



ҲАЁТ СИНОВЛАРИН  
ЕНГАЁТГАН ҚИЗ

Махфуза БОБОТИЛЛАЕВА:  
ЖУДА СОЛДА  
АЁЛМАН, АСЛИ!



СИНФДОШИМ  
МЕНИ “СОТДИ”



БУ ДУНЁНИНГ  
БЕКАТЛАРИ КЎП

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

## ҲАЙРАТИМНИНГ ТИЛИ БЎЛСАЙДИ АГАР...

Яхши куй-қўшиқ инсон қалбининг нозик торларини чертиб, унга маънавий қувват бағишлайди. Агар у Ватан мадҳига, юрт шаънига бағишланган бўлса, аҳамияти янада юксалади.

### ВАТАН МАДҲИ

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелдаги “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўриктанловини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига муво-

фиқ ташкил этилаётган танлов ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда ушбу кўрик-танловнинг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилиги тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, тинч ва фаровон ҳаётимизни ҳамда ҳарбий-ватанпарварликни тараннум этувчи энг сара қўшиқларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, уларнинг муаллиф ва ижрочиларини муносиб рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур танловда ҳарбий қисм ва муас-

сасаларнинг профессионал ҳамда хаваскор ижрочилари иштирок этди.

Танлов якунига кўра ҳарбий ватанпарварлик йўналишида Куролли Кучлар хизматчилари Зарнигор Умарова, Бегзод Холмирзаев ва Шерзод Набиҳўжаев, саф қўшиқлари бўйича сержант Бобомурод Нуратов, эстрада йўналишида мударри ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ваҳоб Нортोजиев биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиблар “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўриктанловининг мамлакат босқичида иштирок этади.

# ҲАЁТ СИНОВЛАРИН ЕНГАЁТГАН ҚИЗ

Ҳаёт уни курашишга эрта ўргатди. Соғлом бўлиб туғилган гўдакнинг ички иситмасини билмаган шифокорлар эмлаш жараёнида хатоликка йўл қўйишади. Натижада қизалоқ ҳассага таяниб қолди ва тушкунлик, ўзидан уялиш, умидсизлик уни тобора енгиб бораверди. Жигаргўшасини яна аввалгидек соппа-соғ кўриш истагида ота-она ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урди. Пойтахтга, энг яхши шифокорлар қабулига келишди. Фидойи дўхтирлардан бирининг: "Қизим, гўзал ҳаёт хали олдинда, бунинг учун энг аввало, ўзинг курашишинг керак, ҳаммаси яхши бўлади", деган сўзлари кизнинг юрагида умид чирогини ёқди...

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисодий факультетида таҳсил олаётган Дилафрўз Қўчқорова ҳассани ташлаб, аппарат ёрдамида илк қадамни қўйган куни ўзида йўқ мамнун эди. Шундан сўнг унинг ҳаётида ёруғ дамлар бошланди. Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими аъзоси, талабалик бахти, чемпионлик шохсупалари... Бу муваффақиятлар аслида жуда катта сабр, ирода ва ишонч натижаси эди.

— Инсон ўзини қўлга олиши учун яқинларининг кўмаги жуда зарур, — дейди Дилафрўз. — Мен ҳар доим атрофдагиларнинг қўллашсини, ишонч билдиришини ҳис қиламан. Ўзимни имконияти чекланган инсон, деб ҳисобламайман. Чунки атрофимдаги инсонлар қўлга киритаётган барча ютуқларга мен ҳам эришиб келмоқдаман. 2008 йилда спортнинг сузиш тури билан шуғуллана бошладим. Мусобақаларда иштирок этдим. Икки марта олтин медални қўлга киритдим. Мехрибон жигаргўшаларим хамиша қўллаб-қувватлайди.



"Нега айнан сув спортини танладингиз?", деган саволимизга Дилафрўз шундай жавоб берди:

— Соғлом одамгина тўғри фикрлай олади. Сузишнинг нафақат жисмоний, балки ақлий жиҳатдан ҳам фойдаси катта. Масалан, дарсдан сўнг ёки бирор юмушни бажариб ҳорғин кайфиятда турган бўлсам, сув менга руҳий енгиллик беради. Буни 7 йиллик машғулотларим давомида ҳис этдим. Сувда фақат қўлларим билан ҳаракатланаман. Оёқларимни ишлатишга чап оёғимдаги нуқсон ҳалақит беради. Шундай ҳолатда ҳам кўплаб қувончли натижаларни қўлга киритдим. Аммо, энг катта ютуғим саломатлигимда яхши ўзгаришлар бўлгани, ўзимни ҳар доимгидан-да, тетик ва кучли ҳис қилаётганимдир.

Спорт рақобатсиз бўлмайди. Мусобақаларда рақибнинг кучини ёки лаёқатини аниқлаш осон эмас.

— Бошқа рақибларимнинг мендан энг катта фарқи жиҳати, уларнинг сувда бутун танаси билан ҳаракатланишидир, — дейди суҳбатдошим. — Мусобақадан олдин уларни кузатиб, ким нимага қодирлигини билиб оламан. Кўп ҳолларда улар мендан устун ва бу ўзимга бўлган талабчанлик янада орттиради. "Олга" деган сўз ҳар доим одамни чўчитган. Чунки бу сўзда мағлубиятни ҳам, ғалабани ҳам олдиндан бир-дай ҳис этиш мумкин. Маррага етиб келганимда устозимнинг: "Яхши суздинг, баракалла", дейиши менда ишонч уйғотади. Майдонда

## Матонат

ҳар бир спортчи ғалаба учун курашади-да.

Дилафрўзнинг ота-онаси Асатилло ака ва Муқаддас опанинг умидлари катта. Опа си — Тошкент давлат шаҳр-шунослик институти магистранти Мафтуна ва укаси — Халқаро Вестминстер университети талабаси Ҳикматилло ҳам Дилафрўзнинг энг яқин суянчликлари, дардқашларидир. Қаҳрамонимизнинг айтишича, оилада ҳар бир масала баҳамжиҳат ҳал этилар экан.

— Ҳар бир инсоннинг ўз сирини бор. Аммо, бизнинг оилада ҳеч кимнинг бир-биридан яширадиган сир-синоти йўқ. Ҳамма ишни ота-онамиз билан бамааслаҳат келишиб бажаришга ўрганганмиз. Шунинг учун ҳам ортиқча хатолар бўлмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўз оила аъзоларига ишонган, суюнган одамгагина бегоналар яхши муносабатда бўлишади-да. Қайсарлигимни ҳам, инжиқлигим ёки эркалигимни ҳам ўз уйимдагилар кўтаради. Шундай ота-она, қалби дарё жигаргўшаларимнинг борлиги меннинг бахтим. Биз фарзандлар баъзан билиб-билмай, меҳрибонларимизнинг дилини оғритаемиз. Лекин, улар бизни кечирришади. Хатоларимизни тушунган ва тўғрилаган, энг дарёдил инсонлар мана шу волидаларимиз ва падари бузрукворларимиз.

Суҳбатимиз давомида Дилафрўз: "Бизга шундай имкониятларни яратиб берган Ватаним олдида ёруғ юзли бўлишни истаймэн. Халқаро микёсда чемпионлиқни қўлга киритиб, ўқишда фаоллик билан ўз соҳамнинг етуқ мутахассиси бўлишга астойдил интиляпман", деган гапни бир неча марта такрорлади. Бу каби ёшларнинг кўплиги порлоқ келажагимизга бўлган ишонч янада оширади.

**Камола  
РАҲИМХЎЖАЕВА,  
"Оила ва жамият"  
мухбири.**

## ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

**Зангиота тумани "Токзор" маҳалла фуқаролар йиғини биносида уч авлод вакиллари учрашиб, "Энг яхши маҳалла гузари" шиори остида "Гузардаги гурунглр" мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда "Маҳалла" телерадиоканали, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ҳамда "Камолот" ЁИХ вилоят кенгашлари вакиллари, 50 йилдан ортиқ аҳилликда яшаб келаётган ибратли оилалар, спортчилар, фан олимпиада голиблари, Зулфия номдаги Давлат мукофоти совриндорлари, хунарманд ва тадбиркорлар, нуроний кексалар иштирок этишди. Маҳаллаларда оилавий кадрятларни мустаҳкамлаш,

оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш бўйича намунавий маҳаллаларнинг илғор тажрибасини оммалаштириш, кексаларга аътибор ва ғамхўрликни ошириш каби мақсадларни кўзлаб ўтказилган тадбирга нуроний отахон ва онахонлар иштирокидаги суҳбатлар ўзгача шуқуқ берди. Тадбир доирасида ташкил этилган кўрғазма ва ярмаркада вилоятдаги ёшларнинг қўл меҳнати асосида яратган ижод намуналари, ишбилармон, хунармандлар ва фермерларнинг маҳсулотлари намойиш этилди.

Иқтидорли қизларнинг шеърхонлиги, ёш спортчиларнинг маҳоратли қиқчишлари, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари кечгага ўзгача файз бағишлади.

**Гўзал САТТОРОВА,  
Тошкент вилояти.**

## "Аёллар спорт фестивали"

### ЧЕМПИОНЛАР — УЙ БЕКАЛАРИ

Бир неча йилдан буён республикамизнинг барча ҳудудларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Аёллар спорт фестивали" оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уй бекаларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, маҳаллаларда спортнинг оммавийлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

"Аёллар спорт фестивали"нинг бу йилги Тошкент вилояти босқичи "Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда иштирокчилар спортнинг 7 тури бўйича ўз куч ва иқтидорларини намойиш этишди. Фестивалнинг ҳудудий босқичларида 25 ёшдан юқори бўлган 3500 га яқин хотин-қизлар иштирок этиб, 378 нафари вилоят босқичига йўлланма олишди. Волейбол, енгил атлетика, стол теннис, шахмат, гимнастрада каби спорт турлари бўйича ўтказилган беллашувлар жуда қизгин кечди.

Спорт байрамининг яқуний қисмида голиблиқни қўлга киритган хотин-қизлар, уй бекалари ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.  
Тошкент вилояти.**

"Аёллар спорт фестивали"нинг Қашқадарё вилоят босқичи иштирокчилари Нуристон шаҳарчасидаги "Шўртангазимё" мажмуасига қарашли Нуристон спорт мажмуасида беллашдилар. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Кексаларни эъозлаш йили" Давлат Дастури доирасида "Соғлом она — соғлом бола" шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда қарийб 300 дан ортиқ хотин-қиз спортнинг 7 тури бўйича ўзаро куч синашдилар.



— Маҳаллалардаги 25 ёшдан юқори бўлган уй бекаларидан терма жамоа шаклланди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси **Инобат Каримова**. — Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни "Хотин-қизлар спортини ривожлантириш куни" деб эълон қилиниб, унда ҳар бир спортчи ўз жисмоний қобилиятини мустаҳкамлайди. Буни айниқса, қишлоқ жойларида қурилиб фойдаланишга топширилган спорт мажмуаларида ўтказилаётган тадбирлар миқосида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда вилоятда 9133 та спорт тўғарақлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, доимий равишда спорт билан шуғулланиб келаётган 370431 хотин-қизнинг 98 мингдан ортинини уй бекалари ташкил этади. 330560 нафар қиз спортнинг 38 тури билан шуғулланиб келмоқда.

— Мазкур фестивалнинг асосий мақсади соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ҳаётга тадбиқ этишдан иборат бўлиб қолмай, аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали уларнинг саломатлигини янада яхшилашдир, — дейди "Соғлом авлод учун" хайрия фонди вилоят филиали директори вазифасини бажарувчи **Гулнора Шарипова**. — Энг чекка ҳудудлардаги қишлоқларда истиколат қилаётган хотин-қизларни спортга жалб этиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ушбу мусобақаларда иштирок этган хотин-қиз спортчиларга фонд томонидан салкам 5 миллион сўмга яқин совғалар улашилди.

— Шахмат ақлини чарқлайди, — дейди **Қамаши туманида яшовчи уй бекаси, мусобақа иштирокчиси Назира Шоймуродова**. — Ўзим 52 ёшданман. Оила-аъзоларимиз билан шахматга қизиқамиз. Турмуш ўртоғим Нормурод Абиев, Улуғбек, Навбахор ва Гулбахор сингари фарзандларим ҳам спортнинг шу тури билан шуғулланиб, мусобақаларда голиб бўлиб келишпти. "Спортчилар оиласи" эканимиздан фахрланамиз.

Фестиваль якунида голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Шавкат СУЛТОНОВ,  
Қашқадарё вилояти.**



## ҚАЙНОНА КЎРГАН КЕЛИН

*Бу иборани эшитиб, аввалига ҳайрон бўлдик. Кейин эса Ҳаёт аталмиш мактабда кўп ва хўп тобланган бу мунис онахон, ўзлари сердавлат қайнона бўлсалар-да, ёшларидоғи унутилмас хотираларини ҳамон эслаб туришида ўзига хос сир бор экан...*

Пискент туманидаги Қоро-вўл қишлоғига қарашли Тараққиёт маҳалласида истиқомат қилаётган 73 ёшли Салима ая Оқилбекова оиладаги ибратли тутумлари билан каттаю кичикка бирдек ўрناق бўлиб келмоқда.

— Ўтган умримни, бошимдан кечган воқеаларни таҳлил қилиб кўрсам, сериал киноларга ўхшайди, — дейди онахон. — Эримнинг ойна-оғай-нилари уйимизга йўқлаб келишса, дутор чалиб, ўйин-кулги қилардик. Йўлчибой ака ота-онасининг ёлғиз фарзанди бўлса-да, эркалик қилмай, камтар, камсуқумгина ўсганлар. Айтсам ишонмайсиз, икки фарзандли бўлгунимча қайнонам Тошбу она (охиратлари обод бўлсин) мени рўзгор ишларига уринтирмаганлар. Келинлик масъулиятини аста-секин тушуна бошлаганимда ёшлиқдаги ғўрлигим, хатоларимдан уялардим. Бир юмушга уринсам, уддасидан чиқолмай ичим тирнарларди. Қайнонам шу қадар дарё аёл бўлган эканларки, бирор марта танбех бериб қоймас, аксинча, “болажоним” дея эркалаб, бошимни силардилар. Уч болали бўлганимда бир кун оват пишираётиб, туз солишни унутибман. Аксига олиб, уйимизга кўшни аёл чиққан. Қайнонам мулзам бўлишимни истамади чоғи: “Келинми хўб яхши-ю, овқатнинг намагини пастроқ ичади-да, қани Салима тузни олиб кел, — дея кўшнинг қосагига солиб ўзини: — Мени ҳам ўзи-дек овқатланишга ўргатиб олди”, деб тузсиз овқатланганлар.

Кўрдингизми, мени анча ёш узатишгани учун учта болали бўлганимда ҳам рўзгор ишларида пишиқ-пухта эмасдим. Шундай кезларда: “Насиб қилса, қизларимни 20 ёшдан ўтгач узатаман, келинларни ҳам шундай ёшда оламан”, дея ният қилганман.

Ниятимга етдим, хўжайиним билан бир этак ўғил-қизларни вояга етказдик. Ҳаммаси олий маълумотли, хунарли бўлди. Эрим оддий дехқон, сувчи эди. Халол меҳнати билан болаларни тарбиялаб, уларга ўрناق бўлди. Бир ҳовлида тўрт келин билан узоқ вақт бирга турдик. Мен ҳам келинларимга қаттиққўллик қилмадим. “Болажоним” дея билмаганини ўргатиб, қилган ишларига қувониб ўтирдим. Катта келиним Матлубахон овсинларини ўз опа-синглисидек билиб, тўғри йўлга бошдаб килишди, менинг сирдошимга айланди. Мавжудахонни “оёқ-қўлим”, дейман. Сафаргул, Барно, Феруза ҳам она-лар билан аҳил-иноқ. Шундан ўғилларим Абдуқайом, Абдукарим, Абдуҳаким, Камолдин, Жасурбек ҳар бир ишни бамаслаҳат, ҳамжихатликда қилишди. Қизларим — Ҳалима, Сарвихон, Карима, Каромат, Наргиза ҳам ўзларидан тиниб-тинчишган. Бири ўқитувчи, бири фермер, яна бири тикувчи, ҳамшира...

Салимаҳон момо айни дамда 40 дан ортиқ неварани, 21 чеваранинг орзу-ҳавасини кўриб, саодатли умр кечирмоқда. Айтишларича, ўтган йили невараси Шаҳбоз кикбокс бўйича Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида голиб бўлиб қайтибди.

— Бугун ёшларга берилган ётган имкониятлардан одамнинг кўнгли кўтарилади, — дейди онахон. — Биз ёшлигимизда қишлоғимиздан нарига ҳам чиқолмасдик. Энди эса невараларимиз биз билмаган давлатларга бориб келишмоқда. Яратганга шукрки, биз кўрмаган кўнларни кўриш уларга насиб этди. Бу кўнларнинг қадрига етиб яшашнинг ўзи ҳам саодатдир.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
“Оила ва жамият”  
мухбири.  
Тошкент вилояти.

## БАХТГА ЭЛТАР ЙЎЛЛАР

**Гулистонлик Саодат ая ХЎЖАҚУЛОВАНИНГ айтганлари:**

— Келин бўлиб тушганимда турмуш ўртоғимнинг сингиллари, укалари хали ўсмир эди. Қайнонам (қабрлари нурга тўлсин) жуда меҳнаткаш, оқила аёл эди: турмушнинг паст-баландини улардан ўрганганман. Қайнона-қайнотамнинг беминнат кўмаги билан беш ўғил, бир қизни оқ ювиб, оқ тараб, соғлом, одобли қилиб вояга етказдик. Рўзгоримизнинг кам-кўстини тўлдириш учун давлат ишида ҳам, томоққада ҳам тинмай ишладик. Соғин сигир, қўй-қўзи, паррандагача бокдик. Кичкина томоққада эрта баҳордан редиска ва кўкатлар барқ уриб турарди.

...Хозир иссиқхонамизда помидор, бўлгор қалампири, қарам, баклажондан тортиб, аччиқ қалампири кўчатигача етиштирамиз. Ўзимиздан органини бозорга чиқарамиз. Албатта, бундай юмушларни бажаришнинг ўзига яраша машаққати ҳам бор. Лекин кўмаклашиш, қўллаб-қувватлашдан ҳеч ким оғринмайди. Ўғилларим ҳам оталаридан ибрат олиб ўлгайишди. Уларнинг тўрт нафари туман машина-трактор паркида техник ҳайдовчи. Яна бир ўғлим Беқобод цемент заводида меҳнат қилади.

Қиз бола — оиланинг орномуси, шаъни. Шу боис қизим Саодатхонни андишасли, пазанда, чевар ва айни пайтда, олий маълумотли бўлишига эътибор қилдик. Шукур, унинг ҳам бахти кулган. Бугун бир хонадоннинг севишли бекаси бўлиб, мактабда ўқувчиларга сабоқ бермоқда.

Келинлар туширдик. Бугун беш келиним ўз қизларим каби аҳил-иноқ рўзгор тебратишпти. Катта келиним Ёқутхонга янги келинчилигидан уй-рўзгор ишларини ўргатдим. Қайнларига туғишган укаларидек меҳр берса, кечиримли, ширинсўз бўлса, тиллашиб кетиши осон кечи-

шини ўқтирдим. “Бахтга эл-тадиган йўллар одамнинг кўнлидан ўтади. Атрофингиздагиларга меҳр берсангиз, меҳрибонларингиз кўпаяди”, деган ўғитларим ерда қолмади.

Бир кун ишдан келсам, учинчи ўғлим: “Аяжон, келин-оим уйни сизга ўхшаб тозаламасан”, деди. Мен унга: “Янганг ўз уйида бошқача иш қилиб ўрганган. Эртага ишга кетганимда сен келиноинингга, бугун уйни мен тозалайман, сиз қараб туринг, дегин”, деб тайинладим.

Кутганимдек келиним қай-ниларининг ҳаракатларига қараб, хулоса чиқара бошлади. Баъзи оилалардаги каби уйимизда ҳамма юмушларни келинга ташлаб қўймаймиз. Баравар меҳнат қилишга ўрганганмиз. Ўғилларим келиноинисига қарашиб кетаверишди. Келинлар ҳам “Бу ўғил болаларнинг иши”, демай қўлларидан келганича йигитларга ёрдам беришди. Кичик келинларим — Махсудахон, Дилрабохон, Шаҳнозахон, Гулнорахон ҳам яхши оилаларнинг фарзандлари. Овсинларнинг опа-сингиллардек аҳил-иноқлигидан кўнглим тўқ. Уларни сизлаб, исмларига “хон” қўшиб муружаат қиламан, камчиликларини сабр билан ўргатишдан эринмайман.

Халқимизда “Нимани эксанг, шуни ўрасан”, деган нақл бор. Бировнинг фарзандини авайлаб, ўз жигарингиздек яхши-ёмони билан қабул қила олсангизгина, у хонадоннингизга кўникади. Қайтар дунё, деганларидек, келинга муомалангиз, қизингизга қайтиши тайин. Чуқки қизингиз ҳам ўзга бир хонадонда бахт топиши керак.

Баъзан: “Ўғилларим олий ўқув юрларида ўқишмади”, деб афсусландим. Меҳнат қилган элда азиз, дейдилар. Маҳалла-қўй, одамлардан: “Шундай ўғилларни ўстирган ота-онасига раҳмат”, деган мақтовларни эшитиб, шукур қиламан.

Оила кўрғонини мустаҳкам сақлашда қудаларнинг ҳам ўз ўрни бор. Келинлар, қувлар оилалардаги қариндошлик ришталарини боғлаб беришади. Қудалар эса ана шу ришталарнинг мустаҳкам бўлишига масъулдир. Шу боис тўй-маъракаларимиз, оилавий тадбирларимиз улар билан бамаслаҳат ҳамжихатликда ўтади.

Набираларимнинг эришар-ётган ютуқларидан кўнглим тоғдек кўтарилади. Бобиржон Гулистон туманидаги Иқтисодий коллежининг 2-босқич ўқувчиси. Ўқишлари аъло. Ўтган йили коллежлараро ўтказилган “Хуқуқингизни биласизми?” кўрик-танловидида ўз гуруҳи билан туман, вилоят ҳамда Бухоро шаҳрида ўтказилган республика босқичида голибликни қўлга киритишди.

Нодирахон туман марказидаги 27-мактабнинг 9-синфида таҳсил олади. Мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга 10 ёшдан бошлаб спортнинг қаратэ тури билан шугулланади. Бадиий гимнастика, бадминтон тўғр-ракларига ҳам қатнашади. У ўсмирлар ўртасида Тошкент ва Бухорода ўтказилган мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритишга эришди.

Нодиржон 14-мактабнинг 8-синф ўқувчиси. 13-болалар мусика ва санъат мактабининг тасвирий санъат йўналишидаги машғулотларга қатнашди. Ўзига яраша истеъдоди бор. Тасвирий санъат борасида ўтказиладиган туман, вилоят кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлмоқда.

Улар ҳар бир мусобақа ва танловлар олдидан: “Бувижон, бизга оқ фотиҳа берин”, дея ҳузуримга келишганида меҳрим янада жўшиб кетади. Уларга омад тилаб, дуо қиламан.

**Зебо ҲАЙДАРОВА**  
ёзиб олди.

“СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ХАЛҚАР ХАЙРИЯ ФОНДИДА

## ЁЗ ЎТМОҚДА СОЗ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонднинг “Ёз ўтмоқда соз” шиори остида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳларида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ихтимойи ҳимояга муҳтож оила фарзандлари мароқли дам олишмоқда. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонасини грант маблағлари асосида Самарқанд вилоятида жойлашган “Оҳалик” ва Тошкент вилоятидаги “Конструктор” оромгоҳларига жами 230 нафар бола жалб қилинди. Ёзги оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш доирасида кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ҳамда ногирон болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилган. Оромгоҳларда мазкур фонд томонидан болаларга тиббий, хайрия ҳамда маданий-маърифий йўналишлар бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

— Оромгоҳимизда ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш

бўйича кунлик режа асосида иш олиб бормамиз, — дейди Тошкент вилоятидаги “Конструктор” оромгоҳи тарбиячиси Гулноза Баротова. — Меҳрга ташна болаларга ижтимоий кўмаклашиш билан бирга маънавий томондан ҳам мадад берамиз. Оромгоҳда шахмат, шашка, футбол, тўқиш, тикиш, раққослик, радио суҳбатдонлиги каби тўғарақлар ташкил қилинган. Иқтидорли болалар билан матн ёзиб, уни биргаликда радиооа ўқиймиз. Бу эса болаларнинг бошловчиликка бўлган қизиқишларини янада ошириб, нутқи раво бўлишига ёрдам беради.

Болажонларнинг таътил кўнларини янада мазмунли ва мароқли ўтказиш, уларда Ватанга бўлган муҳаббат ва миллий ғурури туйғусини шакллантириш, буоқ болаларимиздан қолган меросларни асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир 5 августга қадар давом этади.

**Ширинхон МЎМИНОВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.

Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махфуза Боботиллаева турли қиёфадаги қахрамонлар образини маромига етказиб ижро этади. "Бугуннинг томошабинини енгил-елпи, бачкана кинофильм ёки сахна асари билан ишонтириб бўлмайди. У актёрдан профессионал маҳоратни талаб қилади", дейди у биз билан кечган қизиқарли гурунгда.

**Махфуза БОБОТИЛЛАЕВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

## ЖУДА СОДДА АЁЛМАН, АСЛИ!



талган спектаклдан катта янгилик кутади, саволларига жавоб қидиради. Асар тузганидан кейин эса бир хулосага, тўхтамага келиб чиқиб кетади. Ана шунда томошабиннинг кўнглида нафақат спектаклда роль ижро этаётган актёрларга, балки театрга нисбатан ҳам самимий, илиқ бир муносабат шаклланади. Намойишдан сўнг томошабин кўзида мамнунлик ифодасини кўрганда актёрнинг машаққатлари унутилади.

— **Ўзингиз қайси ролингизни қалбан ҳис этиб, мириқиб ижро этгансиз?**

— Ҳаммасини дея ишонч билан айта оламан. Чунки образимга мулақо сингиб бўлганимдан кейингина сахнада талқин қилишни бошлайман.

— **Илк ролингизни эслай оласизми?**

— Албатта, 1982 йил Тошкент давлат театр ва рассомчилик (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институти драма ва кино актёрлиги бўлимнинг тўртинчи босқичида ўқиб юрган кезларимиз курсимиз билан Ўзбек Миллий академик драма театрида амалиёт ўтадик. Шунда режиссёр Баҳодир Йўлдошев менга: "Сен мана шу театрдан қолишинг керак", деб айтгандилар. Шукрки, ҳаракатларим зоҳ кетмади. Шу йили театримиз сахнасида роллар ижро этишни бошладим. Биринчи бўлиб Уйғуннинг "Парвона" асаридаги Юлдуз образи билан сахнага чиқдим. Кейинчалик "Гийбат", "Етти фарёд", "Тўмалик", "Қирол Лир", "Қаллик ўйин" каби спектаклларда турли қахрамонларни талқин этдим. Албатта, ролларимнинг муваффақиятли чиқишида устозларим — Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева, Рустам Усмоновнинг хиссаси катта бўлди. Театрга келганимдан кейин бу ерда забардаст санъаткорлардан Ўзбекистон халқ артистлари Наби Раҳимов, Турғун Азизов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Жамшид Зокиров (охиратлари обод бўлсин), Гавҳар Зокирова, академик Тоштемир Розиков каби устозлар билан ишлаш бахти насиб этди менга. Уларнинг ҳар бир сўзи,

— **Махфуза опа, бу улкан ва нуфузли театрда иш бошлаганингизга ҳам 33 йил бўлибди. Касбингизнинг ўзига яраша машаққатли ва мароқли жиҳатлари бор. Буни қайси пайтларда кўпроқ ҳис этасиз?**

— Бехудий домла "Театр ибратхонадир" дея беҳиз айтмаганлар. Бу даргоҳга келаётган аксарият томошабинлар руҳан покланиш ва ибрат олиш учун қадам ранжида қилади.

Актёр ўзи талқин этаётган қахрамонининг ҳолатига кира олса, асардаги воқеа-ҳодисаларни, мавжуд вазиятларни қалби билан ҳис қилсагина томошабинни ишонтира олади. Бунинг учун тинимсиз ўз устиди ишлаш талаб этилади. Кўп китоб ўқиш орқали фикримиз, дунёқарашимиз кенгайишни биламиз. Асарни ижро орқали етказиш эса актёрнинг маҳоратига боғлиқ, Бугун яратилаётган спектакллар, кинофильмларни кузатарканман, актёрларнинг деярли кўпчилиги талабчанлик билан ишлаётганига гувоҳ бўламан. Ўзимга келсак, сценарий билан танишиб чиққанамдан бошлаб, образимнинг характерига киришга ҳаракат қиламан. Бундан ташқари, сценарийдаги бошқа қахрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ва табиати билан яқиндан танишаман. Бу менга сахнада образим феъл-атворини кенгрок очишда ёрдам беради. Ишимнинг мароқли томони шундаки, актёр спектакль жараёнида томошабин билан ҳамфикр, суҳбатдошга, чин дўстга айлана олади. У билан дардлашадди, сирлашадди, қалбан таскин топади. Буни қахрамонининг ҳолатига кира олган актёрлар яхши ҳис этишади. Театр ёки кинога томошабин маданий ҳордиқ олиш учун келади. У ҳар доим ис-



## Гурунғ

ўғитлари жуда катта маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

— **Аксарият ҳолларда салбий ролларни талқин этасиз. Мунтазам равишда уларнинг характерига кириш сизни чарчатиб қўймайдими?**

— Ҳаётда жуда ишонувчан, жуда содда аёлман, асли. Аммо Тарози буржи остида тузилганим учун бўлса керак, адолатсизликка, ноҳақликка индамай қараб туролмайман. Инсоннинг айби ва ютуқларини ортидан эмас, юзига айтаман. Шунинг учун ҳам айрим режиссёрлар сизда шартакилик бор, деб кўпинча салбий қахрамонларни беришади. Касбимни севганим учун ҳам унинг барча қийинчиликларини енгил-елпи уришиб келганман. Қолаверса, театримизда самимий инсонлар йиғилган, жамоамиз жуда аҳил. Ҳар бир роль ижросида бир-биримизнинг фикрларимиз билан ўртоқлашамиз. Санъатни севган кишининг кўнглида губор бўлмайди, дейишади-ку!

— **Дадангизнинг гул парваршига, умуман боғдорчиликка иштиёқи баланд экани ҳақида эшитгандим. Агар актриса бўлмаганингизда сиздан яхшигина эколог ҳам чиқиши мумкин эди-да, тўғрими?**

— Шундай, дадам раҳматли Убайдулло ота аслида бошланғич синф ўқитувчиси бўлсалар-да, тувақларда гул ўстиришни, боғимизда мевали дарахтларни кўпайтиришни жуда яхши кўрардилар. Биз оилада тўрт фарзанд эдик. Кечагидек эсимда, мактабдан келганимизда онам ошхонада кўшиқ хиргойи қилиб, таомларни ҳафсала билан тайёрлардилар. Тушлик қилиб бўлгач, ҳаммамиз боққа югурардик. Ука-сингилларим ариқдан сув олиб, экинларни сугоришар, мен эса тўкилган олмаларни теришни ёқтирардим. Ўқувчилик давримизда киночилар келиб, мактабимиз залида бизга кинолар ва мультфильмлар қўйиб беришарди. Залимизда сахна бор эди-ю, лекин томошабинлар учун ўриндиқлар йўқ эди. Шунинг учун ерга ўтириб олиб томоша қилардик. Актёрлар ижроси мени жуда ҳайратга соларди. Санъатга бўлган иштиёқ ўша кезларданок бошлангандир балки. Ҳозир бир нарсадан жуда хурсандманки, қизим Азизахон бобосига тортган, табиатни жуда севади. Айни пайтда, Тошкент кимё-технология институтининг учинчи босқич талабаси, табиатни муҳофаза қилиш йўналишида ўқияпти.

— **Инсон нима учун ўтмишини, у қандай бўлмасин, маҳзунлик билан эслайди? Бунга ҳозир ўзингизда ҳам гувоҳи бўлдик...**

— Қайсидир китобда бир файласуфнинг: "Инсонга йиғирма ёшида туйғулар, ўттизиди истеъдод, қирқиди ақлзаковат ҳукмронлик қилади", деган сўзларини ўқигандим. Балки шунинг учундир инсон ёшлигида гўё умр бўйи шундай яшайдигандек жўшқин ҳаётдан баҳраманд бўлади. Улгайгани сайин ўтаётган вақт орта қайтмаслигини англаб етади. Босган қадамларидан, қилган ишларидан яхши ном ва ширин хотиралар қолишини истади. Шунинг учун ҳам олис ва яқин ўйларимиз бизни бироз мулоҳазага хорлайди, ўйга толдиради. Ҳаммамизга ҳам ўтган умримиздан қалбларимизга хотиржамлик инисини тилайман.

"Оила ва жамият"  
муҳбири  
Барно  
МИРЗААҲМЕДОВА  
суҳбатлашди.



**ФИЛОФ** — тилимизда бирор буюмни шикастдан сақлаш учун солиб қўйиладиган, шу буюм шаклига мослаб тайёрланган махсус қути ёки қин "филоф" деб аталади. "Филоф" сўзи "хатжилд", "қобик", "пўстлок" деган маъноларни англатган.

Бўронбой филофнинг боғичини ечиб, дуторни олди, торларини черта-черта, узоқ созлади.

Оқилжон Ҳусанов

**АДИБ** — тилимизда "ёзувчи", "носир" маъноларини англатган "адиб" сўзининг туб илдизи "тарбияли", "маърифатли" деган мазмунни билдирган. Шунингдек, бу сўзнинг "яхши фазилатлар соҳиб" деган маъноси ҳам бор.

Адибнинг кўзи кўрмас, оғиз эди, ўн тўрт боддан иборат ушбу баённи ёзиб тугатди.

Адиб Аҳмаднинг "Ҳибат ул-ҳақойик" асаридан

**ШЕКИЛИ** — бу сўз тилимизда фикрнинг гумон, тахмин ёки тусмолигини ифодалайди. "Шекили" сўзининг туб илдизи араб тилидаги "шакл", "шекил" сўзига бориб тақалади ва у "кўриниш", "усул", "ўхшаш", "мисоли" каби маъноларни билдиради.

Бойнинг йиғлаб келишини уйичлари эшитиб, улар ҳам "бир бало бўлди шекил", деб уйдан йиғлаб чиқа бошладилар.

Фафур Фуломнинг "Шумбола" асаридан

Мастура эса менга бир қаради-ю, танимади шекилли, индамади.

Абдулла Қаҳҳорнинг "Минг бир жон" ҳикоясидан

**ТОШҚАЛОҚ** — тоғли ҳудудларда кўпроқ ишлатилади. Орасига лой қўймасдан тошни устма-уст қилиб терилган девор "тошқалоқ" сўзи билан ифодаланган. "Тошқалоқ" сўзи "тош қалаш" бирикмасидан келиб чиққан.

Тошқалоқ ҳовуз қилса бўларди.  
Журналдан

**МУМИЁ** — қояларнинг ёриқларидан сизиб чиқадиган смоласимон модда тилимизда "мумиё" дейилади. Шарқ таботатида мумиёдан синган суякларнинг битишини тезлатиш, меъда яраси ва ташқи нерв фалажини даволашда фойдаланишган. Мумиё халқ тилида "тошмойи" сўзи билан ҳам ифодаланади. Бундай дейилишига мумиёнинг тош ичидан сизиб чиқиши сабаб бўлган бўлиши керак. Махсус кимёвий таркиб билан ишлов бериб, чиримайдиган қилиб қўйилган жасадга ҳам "мумиё" дейилади.

Тоғларнинг энг баланд чўққиларида тошларга ёпишиб турадиган мумиё асл ва тоза бўлади. Бундай мумиёни овчилар милтиқ билан отиб оладилар.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

Кечаю кундуз турли русумдаги техника(огир ва энгил автомобиль-трактордан тортиб, мотоциклару велосипедларгача) ларнинг қачон юриши ва тўхташнини, қолаверса, пиёдаларнинг ҳам ҳаракатланишини мунтазам тартибга солишда светофор чироқларининг беминнат хизматини ҳар қанча таърифласак шунча оз. Айниқса, кейинги йилларда нафақат пойтахтимиз ва йирик шаҳарларда, балки туман марказларида ҳам транспортлар сони ва шунга яраша, қатновнинг ҳам кескин ошаётганлигини кузатгандимиз. Бу эса мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлиги ошаётганидан яна бир нишона десак муболаға бўлмайди.

## ЙЎЛЛАРДАГИ “СОЯЛАР”

Биргина Тошкент кўчаларидаги транспортлар ҳаракатини неча минглаб светофорлар бошқаради. Олайлик, озгина техник носозлик юзага келса борми, тирбандликни бартараф этиш осон кечмайди. Йўқ, азизлар, бугунги мавзуйимиз йўл ҳаракати ёки светофорлар ҳақида эмас, аксинча, ана шу шиддатли жараёнга соя солаётган кўнглисиз бир ҳолат хусусида. Кўп бора кўзимиз тушади, катта чорраҳалар ва светофорлар ёнида туриб, ҳайдовчиларни чалғитаётган кимсаларни ким деб аташ мумкин? Улар орасида тиланчи десангиз, яримжон, бирор жисмоний нуқсон борлардан кўра туппа-тузуқ кийинган, тўрт мучаси соғлари кўпроқ. Аёлларнинг аксарияти одамнинг раҳмини келтириш учун чақалоқ кўтарган ёки бола етаклаб олган. Хўш, бундай вазиятда уларни ким назорат қилади, деган жиддий савол туғилади?

**Тожибой Боқибоев, ИПХ нозир, катта сержант:**  
— Бизнинг асосий вазифамиз йўл ҳаракати хавфсизлигига жавобгарликдир. Содир бўлаётган йўл транспорт ҳодисаларида фақатгина ҳайдовчиларнинг эмас, пиёдаларнинг ҳам айби кўплиги кузатиляпти. Айниқса, светофорнинг қизил чирогига тўхтаган машинанинг ёнига ўзини бечораҳол кўрсатиб пул сўраб келадиганлар серкатнов йўлларда, тирбанд чорраҳаларда турли фалокатларга сабабчи бўлаётгани ҳам


ҳақиқат. Бу борада шу ҳудуддаги мутасадди ташкилотлар, хусусан, маҳаллардаги профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилиб, бу каби салбий ҳолатларга барҳам бериш чоралари кўриляпти.

Статистик маълумотларга кўра, чорраҳаларда ҳаракатланаётган машиналарнинг тўхташ вақтини ҳисоблаб кўрамиз. Чироқлар йўлнинг катта-кичиклигига қараб 1 дақиқа ёки 20 сония ёнади. Энди ҳисоблайлик, бир кунда 24 соат бор, ҳар бир соат 60 дақиқа. Агар улар йўлда бор-йўғи 5 соат турса, ҳар соатда 30 марта машиналар тўхташдан фойдаланишади. Биласиз, барибир бағрикенг халқимиз, кўча-кўйдами, қаерда

### Мулоҳаза

маҳалла фаолларидан ҳам фикр сўрадик. Негадир улар: “Йўқ, бундай ҳолатлар бизнинг маҳалламизда, кўчамизда учрамайди” дейишди. Ваҳоланки, бу каби воқеалар очиқ-ойдин, чорраҳа ва катта-кичик трассаларда содир бўлаётганлиги эътирозга ўрин йўқлигини кўрсатади. Аммо маҳалла раисларидан бири жонкуярлик билан бу муаммо ҳақида ўз мулоҳазаларини шундай билдирди:

**Мухтор Зоиров, “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**



бўлмасин, садақа сўраб турса, бепарқ ўтиб кетолмаймиз. Бу каби раҳмдиллик баъзан турли хил ҳалокатларга ҳам сабабчи бўлиши мумкинлигини унутиб қўямиз.

Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам автомашина бошқарилаётган пайтда ҳайдовчини чалғитиш мумкин эмас. Руҳий ва жисмоний имкониятлар ҳам машина бошқаришида инobatга олинади.

**Имомхўжа Раҳимхўжаев, ҳайдовчи:**

— Кўпинча иш юзасидан пойтахтга келаман. Бундай серкатнов йўлларда автомобиль бошқариш ҳайдовчидан катта масъулият талаб қилади. Бир лаҳза чалғиш ҳам хавфга сабаб бўлади. Тирбанд йўлларда ҳаракатга ҳалақит бериб юрган бундай кишиларни кўрсам, шахсан менинг асабим бузилади. Худо кўрсатмасин-у, мабодо шундайларни туртиб-негиб кетсангиз, ким айбдор бўлади, албатта, ҳайдовчи-да!

Юқоридаги каби нохуш манзаралар ҳақида пойтахтимиздаги айрим

— Маҳалла ҳам бир оила саналади. Тўғри, бундай манзарага шахсан менинг ўзим ҳам бир неча марта дуч келдим ва уларни огоҳлантирдим. “Хўп бўлади, энди қилмаймиз” деб кетишади-ю, кўп вақт ўтмай, яна ўша жойда пайдо бўлишади. Бундай бўлмагур ишни касбга айлантириб олганлар орасида аёллар, ёш болалар, кексаларнинг борлиги, аксар қисми эса бундан уялмай даромад топаётганлиги, баъзан соғлом бўла туриб ўзини касалга солаётганлиги кишини ўйлантиради. Билмадим, бу борада барибир жиддий бир тўхтамаг келиш керакка ўхшайди. Нега десангиз, юртимизга чет эллардан қанчалаб меҳмонлар келишади, азим Тошкентимизнинг эътироф этса арзигулик жойларини томоша, зиёрат қилишади. Бундай пайтда кўзга чиққан чипқондек ҳалиги ҳолат рўй бериб турса, уят-да, энди!

Муборак ҳадисларда “Тиланчилик эшигини очган одамга Аллоҳ камбагаллик эшигини очади” дейилган. Бундан англашладиган ҳулоса шуки, демак, ҳалол меҳнат қилиш, пешона тери билан ризқ топишга имкони бўла туриб, мўмай даромад топиш илнжидида юрганлар ҳеч қачон бой бўлолмайди.

Уларнинг чиндан ҳам боқимандалиги, ночорлиги ростдир, балки бундай йўл тутиш уларга пул топишнинг осонгина йўли бўлиб кўринар. Лекин ўсиб келаётган авлодни ҳам бунга жалб қилиш кечириб бўлмас хатодир. Зеро, осон топилган давлатнинг баракаси бўлмайди.

**Камола АДАШБОЕВА.**

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой (4 ой ўқш, 2 ой амалиёт).  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқш, 1 ой амалиёт).  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 2 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирнок, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).  
Тўқувчилик — 3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.  
Декоратив гул ясаш — 1 ой.  
Сарпо кўти ва саватлар ясаш — 1 ой.  
Бисердан гуллар, дарахтчалар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва савзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, интернет — 1 ой.  
Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона бор.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзея 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.  
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи) Хизматлар лицензияланган

### Муштарий илҳом

#### ДИЙДОР АЗИЗ

**Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай, Онча борким Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.**

Алишер Навоий

Файзулла ака қарийб ўттиз йил “Тез тиббий ёрдам” машинасида ҳайдовчи бўлиб ишлаб, қанчалаб кишиларнинг ҳаёти сақлаб қолинишига ҳисса қўшган. Такдир ўйинларини қарангки, энди унинг ўзи 15 йилдан қарангки ҳаёти касаллик туфайли тўшақка михланиб қолган. Лекин бу иродаси бакуват инсоннинг кўнглида орзулари кўп. У дунёни янада мукамал ва тугал кўришни, одамзоднинг бахтли ва саодатли бўлишини истайди. Ана шундай эзгу ниятларни қалбига жо этиб қалам тебратди. Унинг шеърларини ўқиб, бу битикларда кўнглингизга илоҳий меҳр нурини, иймон зигини тарқатувчи соҳир ва синоатли сирлар борлигига амин бўласиз.

*Бир келсалар, кўнгли шод эди,  
Олам жаҳон нуробод эди,  
Андуҳлардан дил озод эди,  
Меҳр билан қалб обод эди...  
Нега дўстлар буни ўйламас,  
Дўст кўнглига нечун бўйламас?!*

*Йиллар ўтиб кетмоқда, ахир,  
Ҳаёт нури йитмоқда, ахир,  
Такдир нима битмоқда, охир,  
Бизни нелар кутмоқда, охир,  
Ширин дийдор мангу — муқаддас,  
Наҳот, буни дўстлар англамас?!*

*Тўйларига бора олмасам,  
Кўнглимни ҳам ёра олмасам,  
Тўшақ узра тошдек мустаҳкам,  
Куйиб адо бўлди бағрим ҳам,  
Кўнгироқлаб қўйсалар шу бас,  
Наҳот дўстлар шунини ҳам билмас?!*

*Кимлар кимга ёр бўлиб кетар,  
Кимлар кимга зор бўлиб ўтар,  
Кимлар қаро ер сари ботар,  
Ғафлатдан ҳам соғинч уйғотар,  
Нечун буни дўстлар билмайди,  
Айтинг, нечун йўқлаб келмайди?*

*Эй, дўстлар, Файзулла армони,  
Топмоқдир, тушуномқ дунёни,  
Минг йиллар одамзод излаган,  
Топмаган ўшал ҳақ маънони,  
Келингиз сизлар ҳам бўйлашинг,  
Мен бирдан тиллашинг, ўйлашинг.*

**Файзулла ҲАМДАМ,  
1-гурух ногирони.  
Қақшадарё вилояти,  
Яккабоғ тумани.**

1982 йил 13 июлда туғилган Меблибоева Мастура Каромиддиновна номига Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ИИБ томонидан 2008 йил 24 май куни берилган CS 1773792 рақамли паспорт йўқолгани маълум қилинади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



# БУ ДУНЁНИНГ БЕКАТЛАРИ КЎП

...Ярим тун. Ҳамма уйқуда.  
Бирдан чақмоқ чақди. Бироздан  
сўнг ёмғир бошлаб юборди. Тезроқ  
тонг отишини кутаман. Кун  
ёршсаёди, бир неча ойдан бери  
соғинган уйимга йўл олсам. Уйғон-  
сам, соат тунги уч. Ҳаёлар  
билан пинакка кетибман. Саҳарда  
хонадошим Шаҳноза уйғотди. Оқ-  
ҳо, соат етти бўлибди-ку.

Нонушадан сўнг, дугонам билан  
хайрлашиб, йўлга отландим. Бугун дарс  
куни бўлишига қарамай, институтга  
жормадим. Биламан, бугун жаҳли жуда  
қаттиг-у, лекин ширингина гапириб,  
чакиб оладиган кўзи қисқик домламининг  
маърузаси бор. Майли, келаси  
ҳафтада қолдирган дарсим ҳисобига  
маърузани қайта топширарман.

Тошкентда ҳаёт тўхтамайди. Йигир-  
ма тўрт соат тиним йўқ. Йўллар тир-  
банд. Кимдир ўқишга, кимдир ишга,  
яна бошқаси манзилига ошиқади.  
Йўловчи машина тўхтатиб, "Самарқанд  
— Тошкент" йўналишида қатнайдиغان  
автобуслар бекатига йўл олдим.

— Зап ёмғир ёғди-да тонг маҳал,  
— деди ҳайдовчи амаки. — Энди дех-  
қонларнинг ҳосилига барака беради.  
Тўкин-сочинлик бўлаверсин-да!

Йўлда бир ўсмир шерик бўлди.  
Кийим бошидан тарбияли, одобли,  
деган таассурот уйғотади кишида.  
Лекин адашибман: йигитча ёнидан  
"Кент" сигаретасидан биттасини олиб  
тутатди. Тамаки ҳидидан нафасим  
бўғилиб кетди.

Амаки-болага танбех бера бошла-  
ганди:

— Бўлди дода, шутта тўхтатворинг,  
— деди-ю, пулини тўлаб тушиб кет-  
ди. Амакиннинг гапи тилида қолди.  
Боланинг ортидан афсусланганча тик-  
килдим. Амаки ҳам бошини чайқаб,  
йўлида давом этди. "Етиб келдик  
қизим", деган товушдан хаёлларим  
бўлибди.

"Тошкент — Каттакўрғон" автобу-  
сига юқларимни жўлайдим. Дарров-  
гина йўлга тушдик.

...Турли хил қиёфалар, нигоҳлар ва  
қарашлар. Уларни бирлаштириб ту-  
рувчи биргина тушунча одамийлик  
бўлса, ажратиб ташловчи ҳам айнан  
одамийликдан йироқлашиб кетиш-  
дир. Йўл жуда олис. Сирдарёдан ўти-  
шимиз билан Тошкентдан йироқлаш-  
ганимни ҳис этдим. Ана, булутни па-  
налаб ўтиб, қуёш ҳам кўринди. Ба-  
ҳорда табиат жуда бошқача-да. Кенг  
дала, атроф тўла дарахтзор. Кўм-кўк  
майсалар устида кўйлар суруви. Йўл  
кечи узилмайди. Ниҳоят, Жиззах ви-

лоятига етдик. Жиззах ўзининг тан-  
дир сомсалари билан доврўқ қозон-  
ган. "Жиззах сомсаларини емабсиз,  
бу дунёга келмабсиз", — дейди ёним-  
даги юзидан нур ёғилиб турадиган  
бир аёл. Мен ҳам унга жилмайиб  
кўйдим. Жиззах асосан, яланглик ва  
қир-адирлардан иборат. Гўё қор ус-  
тида миттигина уйлар қад ростлаб ту-  
рибди. Ҳар доимги йўлимиздан йўна-  
лишимизни бироз ўзгартирдик. По-  
езд йўли бироз носозлиги учун таъ-  
мирлаш ишлари кетаётган экан. Ҳов  
ана, қирда бир чўпон кўринди. Кўлида  
дўмбираси ҳам бор.



Икки томони дарахтлар билан қур-  
шалган фақат битта машина сигар-  
тор йўлакдан кетиб бораётибди. Кўли-  
да Нодир Норматовнинг "Бисот" но-  
ли китоби. Жуда ҳам ажойиб китоб,  
катта бир фалокатни юзага келтира-  
диган муаммолар, ҳаётий воқеалар-  
нинг содда, аммо ўқувчи юрагига яқин  
талқини. Ундаги менга ёққан бир жум-  
лаи ёдга оламан: "Одамзод аввал  
гул бўлади, кейин мөва, кейин эса  
туршакка айланади". Нега бу сўзлар  
бирдан хаёлимга келганига ўзим ҳам  
тушунмадим.

Ҳайдовчи узоқ оғиз жуфтлаб, ҳаф-  
сала билан гап бошлайди:  
— Илгари ярим соатда битта ау-  
тобус ўтарди. Ҳамма тикилишиб,  
шунга чиқиб олар, боргунча машина-  
ларни санаб кетардик. Ҳозир-чи, ҳар  
қадамда машина, ярим оқшом йўлга  
чиқинг, кўчада қолмайси. Йўллар-  
нинг текис, раволигини айтинг, худ-  
ди учиб кетаётгандек...

Унинг гапини деярли кўпчилик  
маъқуллайди.

...Ана, узоқдан кўзимга оловдек  
бўлиб, "Кўҳна ва ҳаммаша навқирон

Самарқанд шахрига хуш келибсиз!"  
ёзуви кўринди. Ўз тугилиб ўсган юр-  
тинг, ота маконнинг ҳавоси ўзгача.  
Ҳаво ҳам анча исиб қолди. Энди илик  
кунлар яқинлашган сайин кун узая-  
веради. Самарқанддан ўтган ҳеч бир  
инсон бу ернинг дунёга машҳур ном-  
ларидан олмасдан ўтмайди. Автобус  
нон бозорда тўхтади. Ҳамма "гув"  
этиб тушди, ўзини ҳар тонмонга урди.  
Мен ҳам Самарқанд нони ва холва-  
сидан уйимга олдим.

Яна йўлга тушдик.

Челақдан кейин Иштихон тумани  
келади. Иштихон Самарқанд туман-  
лари орасида майдон жиҳатидан энг  
йириги. Кишлоқлари ҳам анчагина.  
Номлари жуда бошқача: "Олма",  
"Қирқийгит", "Қирқиз" ва бошқалар.  
Энди курилиши чуқур йўлга бошлан-  
ган йўллар аста-секин таъмирланаёт-  
тир.

Уйга етишимга яқин қолгани сари  
юрагим ҳапқириб кетяпти. Мана тўрт  
ойдан бери соямни солмабман. Вақт  
учар отдек ўтиб кетибди-я.

Бу дунёнинг ҳам бекатлари кўп-  
да. Эндигина кўз очган чақалоқ бу  
сирли оламга қандай нигоҳ билан  
боқаркин-а? Шўхчан болалик, қайноқ  
ўсмирлик фасли ва ниҳоят, балоғат  
пилапооялари... Мустақил ҳаёт остана-  
си-чи? Яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат  
ва нафрат, савоб ва гуноҳ... Буларнинг  
бари Ҳаёт бекатлари эмасми?..

Ҳамроҳим соқинликни бузиб,  
томоқ қириб гап бошлайди.

— Замонавий уйларга қаранг, ҳар  
қадамда кўзингизни қамаштиради.  
Чет давлатларда қурилатган иморат-  
лардан ками йўқ. Бизнинг қишлоқлар  
ҳам шундай гўзаллашиб кетаявек,  
дилнингиз яйрайди-да! Мамлакатимиз

## Йиллар ва йўллар

бўйича бундай бинолар қанча қури-  
ляпти: сони бор, санаги йўқ.

Каттакўрғонга етиб келганда ҳай-  
довчининг эгчилгига ёрдамчиси юқ-  
ларимни тушириб берди. Уйимизга  
ча "Спарк"да келдим. Ёнимда ўтир-  
ган, ёши қирқлардан ошган, қорача-  
дан келган, қошлари чимирилган бир  
аёл мени гапга тутарди:

— Қизим, ўқийсизми дейман?  
Кимнинг қизисиз, кўзимга зап иссиқ  
қўриясиз-да?

— Ҳа, ўқийман, холажон,  
Тошкентда.

Ўзим ҳақимда маълумот бериб  
бўлгач, яна йўлга қарадим. Вой бў,  
ўзгаришлар катта-ку. Ҳали келганим-  
да йўл четидаги коттежлар йўқ эди.  
Совхоз деган икки чети очик, хувилла-  
ган жойда янги бинолар қад кўтариб-  
ди. Ҳатто одамлар ҳам кўчиб улгуриш-  
ган. Ҳа, юртимизнинг ҳар бир гўшаси-  
да ана шундай улкан бунёдкорлик иш-  
лари шиддат билан давом этаётир.  
Манзилимга яқинлашганим сайин юра-  
гим халқига бошлайди. Йўл бўйи мен-  
га нотаниш қиёфалар ўрнини энди та-  
ниш чехралар эгаллади. Бизнинг Пай-  
шанба бозорчамиз ҳафтанинг бошидан  
охиригача ишлаб туради. Шунинг учун  
бу ер гавжум. Кўнгли очик, ёмонлики  
билмайдиган, доимо юзидан табассум  
аримайдиган, хушчақчақ кишилар  
кўзларимга иссиқ қўрилади. Лекин...

Улар орасида менга ёқмайдиганлари-  
ям бор: бу дунёни пул билан ўлчаша-  
ди. Ўқиб олим бўлармидан, дейиша-  
ди баъзан киноя билан. Қизларни-ку,  
асти қўяверинг, талабалик бахти улар-  
нинг кўпчилигига насиб этмайди. Кол-  
лежни тамомладигими, бўлди, у ёғи  
турмуш, оила, рўзгор. Шундай пайт-  
ларда мени тушунган, келажоғим учун  
ҳамма имкониятлар йўлини очиб бер-  
ган ота-онамдан бир умр миннатдор  
бўлиб кетаман.

Ниҳоят, қадрдон уйимизга етиб  
келдим. Машина сигнални эшитиб,  
сингилларим югуриб чиқишди. Қандай  
яхши-я, оила аъзоларинг ёнингда.  
Уйга қирар эканман, кучоғини очиб  
турган отамни кўриб юрдим. Мени  
кучоқлаб турибдилар-у, кўзларида ёш  
сирғалиб оқарди. Юрагим галати  
бўлиб кетди. Ичкаридан эса мунис  
онажонимнинг овози эшитилади:

— Нега ташқарида турибсиз-  
лар-а? Тезроқ уйга қиринглар, ноним  
ҳам пишай деб қолди...

Нозима МИЯССАРОВА,  
ЎЗМУ талабаси.

## Тарбия

## ПОКЛИК ИЙМОНДАН, ИСРОФГАРЧИЛИК ЭСА...

Кўча-кўйда юрганнимизда  
истасак-истасасак, турли хил  
ҳолатларга гувоҳ бўлиб қола-  
миз. Баъзилар Яратганнинг  
азиз неъматларига аҳамият  
бермасдан, эътиборсиз  
бўлиб, исрофгарчиликка йўл  
қўйишади. Айниқса, кўп қават-  
ли уйларнинг олдида ўтаёт-  
тиб, суви оқиб турган жўмрак-  
ларни беркитиб қўйишга яра-  
маган, лоқайд одамларни, ёки  
маҳсус ахлат тўқадиган идиш-  
лар турганида, чиқиндиларни  
идишга ташламасдан, ён-  
атрофига отиб кетаётганлар-  
ни кўриб, наҳотки озодалик,  
покизалик нима эканини,  
қолаверса, исроф нималиги-  
ни, унинг оқибатини, исроф-  
гарчилик инсонни охир-оқибат  
азобга дучор қилишини бу  
кимсалар билмасмикан, деган  
уй-саволлар кишини қийнай-

ди. Ахир муборак ҳадиси ша-  
рифларда: **"Аллоҳ покдир,  
покликни яхши кўради, уй-  
ларингизни ва ён-атрофингиз-  
ни покиза сақланг"**  
(Имом Термизий ривояти),  
деб бежиз айтилмаган. Қола-  
верса, поклик муқаддас дини-  
мизнинг асосий бўлаги ҳам-  
дир. Афсуски, дуч келган жой-  
ларга чиқиндиларни отиб,  
ташлаб кетаётган, атроф-му-  
ҳитни булгаётган кимсалар  
халқимизнинг азалий ўғитла-  
рида кўп бора таъкидланган ва  
миллий урф-одатларимизга  
ҳам бўлган тутумларни яхши-  
роқ билганларидан бундан  
ўзларига тўри хулоса чиқариб



олган бўлур эдилар.

Энди исроф тўғрисида  
қискагина сўз юритмоқ жоиз-  
дир. Қуръони каримда, исроф-  
гар шайтоннинг дўсти экани

ҳақида баён қилиниб ва бу  
инсонларни Худойи таоло хуш  
кўрмаслиги маълум қилинган.  
Ҳадиси шарифларда эса, Ал-  
лоҳнинг, азиз ва муқаррам  
бўлган одам фарзанди учун  
ҳозирлаб қўйган неъматлари-  
га лоқайд бўлган, исроф бўли-  
шига йўл қўйган инсонлар  
қораланиб, каттиқ гуноҳкор  
бўлиши айтиб ўтилган.

Демак, ҳар биримиз ушбу  
ҳикматлардан тўғри сабоқ чи-  
қариб, тозаланик ўзимиз учун  
ҳаётий шиор қилиб олсак ва  
поклик деганда фақат танаси  
ёки ён-атрофини озода ту-  
тиш, дея бирёклама тушун-  
масдан, балки қалбни ҳам

гина, ҳасад, ёлғон, фитна,  
фиск-фужур каби иллатлар-  
дан поклашни англаб етсак,  
турмушимиз янада гўзалла-  
шар эди.

Шу билан бирга, Аллоҳ ато  
этган неъматлардан оқилона  
фойдаланиб, исроф қилишга  
йўл қўймасдан, фарзандлари-  
га, яқинларимизга исроф-  
гарчилик хусусида панду на-  
сихат, тушунтиришлар бериб  
борсак, чин инсонлик бурчи-  
мизни адо этган бўлардик.

Қодиржон УМУРЗОҚОВ,  
Поп тумани  
"Муҳаммадхон қори"  
жоме масжиди  
имом-хатиби.  
Наманган вилояти.

Жорий йилда таэквондонинг (WTF) ўйналиши бўйича Россиянинг Челябинск шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпиони баҳсларида спортчиларимиз 1 та олтин ва 2 та кумуш медали қўлга киритди. Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Жасур Бойқўзиёв, Никита ва Максим Рафалович, Сарвар Шералиев, Дмитрий Шокин каби иктидорли ёшлар мусобақа давомида ўз маҳоратини намоиш этди. Улар орасида жаҳон чемпионатининг олтин медали совриндори Дмитрий Шокиннинг иштироки барчада илиқ таассурот уйғотди.

Дмитрий ШОКИН:

## ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ БЎЛАМАН!

— Челябинск шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпиони баҳслари терма жамоамиз спортчилари учун қандай кечди? Натияжалар кўнгиладигидекми?

— Бу галги жаҳон чемпиони терма жамоамиз таэквондочилари учун катта маҳорат мактабини бажарди. Чунки дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган профессионал спортчилар ўзаро голиблик учун беллашади. Ўз устимда жуда кўп ишладим. Шундай бўлсада, бироз ҳаяжонланиш бўлди. Мусобақа давомида рақибларимга муносиб қаршилиқ кўрсата олдим. Кўпроқ ярим финал ва финал баҳсларида йўлланма олганимдан кейин ўзимга бўлган ишонч янада ортди ва муваффақиятга эришдим.

— Маълумки, таэквондо (WTF) спорт тури вакиллари рейтинг очколари ўйналадиган қатор йирик мусобақаларда иштирок этиб, Олимпиада ўйинлари арасида ҳар бир вазн тоифасида 1-6 ўринларни банд этган спортчилар тўрт йилликнинг энг йирик спорт анжуманида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу вазифани амалга оширишда сиз ва жамоадoshларингиз қандай ҳаракат қилмоқда?

— Ушбу рейтинг очколарининг катта қисми жаҳон чемпионатида ҳамда Гран-при туркумига кирувчи мусобақаларда берилади. 2015 йил якунида ушбу беллашувлардаги рейтинг очколар жамланади ва ҳар бир вазн тоифасида 1-6 ўринларни эгаллаган спортчилар Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Жаҳон чемпионати



баҳсларида спортчиларимиз ўз вазн тоифасида самарали қатнашиб, рейтинг очколарининг катта қисмини тўплашга эришди, деб ўйлайман. Бу йил охирига қадар яна тўртта Гран-при мусобақалари бор. Бундан ташқари, Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун рейтинг очколар ўйналадиган бир қатор беллашувлар ҳам мавжуд. Айни кунларда бўлажак мусобақаларга муносиб тайёргарлик кўришимиз учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Насиб этса, рейтинг очколарни янада кўпайтириш учун бор маҳоратимни ишга соламан. Бундан ташқари, Осиё давлатлари

## Спорт

вакиллари учун 2016 йилнинг январь – февраль ойларида қитъавий саралаш мусобақаси ўтказилади. Мазкур турнирда 1-2 ўринларни банд этган таэквондо усталари ҳам XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма олади.

— Юртимиз ва халқаро мусобақаларда эришган ютуқларингиз салмоқли. Уларни қўлга киритишда мураббийларингизнинг ўрни қандай? Умуман, устозлар алмашганда узилиш сезилмайдими?

— Дастлаб, мамлакат чемпионатларида қатнашиб, 2011 йилдан бошлаб миллий терма жамоа таркибига қўшилдим. 2013 йилда Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида илк бор иштирок этиб, кумуш медаль, 2014 йили пойтахтимизда ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. Жорий йилги жаҳон чемпионати баҳслари ва май ойида Россиянинг Челябинск шаҳрида ўтказилган турнирда голиб бўлдим ва олтин медаль билан тақдирландим. Шунингдек, Кореяда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида иккинчи ўринни эгалладим. Буларнинг бош омили биринчи устозим Фахриддин Умаров билан бирга шугулланганим бўлса, терма жамоада эса бош мураббий Александр Ким берган сабоқлар туфайлидир. Уларнинг ёш спортчиларни тушуниши маҳоратни оширади. Бирдан иккинчисига ўтиб, ўрганиш жуда осон.

— Таэквондо билан шугулланган спортчи учун энг керакли нима? Беллашув жараёнида нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Аввало, ҳар бир спортчи ирода кучини чархлаши лозим. Нафақат жисмонан, балки руҳан ўзини мусобақалар олдида тайёрлаши лозим. Беллашувлар давомида қандай натижа бўлишидан қатъи назар, спортчи ўзини ва рақибини ҳурмат қилсагина мақсадига эришади. Мураббийларнинг машғуллотлар жараёнида берган тавсия ва кўрсатмаларини кўнгиладигидек бажарса, ўйлайманки, ҳар бир спортчи юқори натижаларни қўлга киритади.

Абдулазиз МУСАЕВ  
сўхбатлашди.



## ЎРДАКМИ Ё БАЛИҚ?

Сиз паррандаю дарранда ва ёки қушларнинг жуда кўплаб турларини биласиз.



Учмайдиган қушлар турига, асосан, товуқлар, пингвинсимон, туяқушсимон паррандалар ва Янги Зеландиядаги экзотик киви қуши қиради. Ўрдакларни яхши биласиз ва улар одатда учадилар. Учганда ҳам баланд-баланд парвоз қиладилар. Лекин ўрдакнинг шундай бир тури борки, улар умуман учолмайдилар. Бۇ "Бомбей ўрдаги" (Bombay duck) бўлиб, Ҳинд океани ва Ганга дарёсида кўп учрайдиган ушбу жонотни қуш деб эмас, семиз "Бомбил балиги" деб атайдилар. Аниқроғи, у ўрдак деб ном олгани билан аслида, йиртқич балиқлар синфига мансуб. Шундай бўлса-да, ушбу балиқ дунё ошхонасида тансиқ егуликлар сафидан ўрин эгаллайди ва ундан мазали таомлар тайёрлашда кенг фойдаланилади. Кўп ҳолатларда уни тузлаб, қуритадилар ва қоқ балиқ ўрнида истеъмол қиладилар.

## КЎЗИ ОЖИЗЛАР РЕСТОРАНИ

Тажрибалар шуни кўрсатадики, кўриш қобилиятини йўқотган инсонларнинг таъм билиш ҳисси кучаяр экан.

Берлинда кўзи ожиз кишилар учун махсус ресторан мавжуд. Шундай бўлса-да, ресторан ҳар қандай соғлом одам учун ҳам хизмат қилаверади. Фақат бу ерда улар ўзлари истагандек лаззатлана олмайдилар. Гап шундаки, залда бутунлай қоронғулик, зулмат ҳукмрон. Бу ерда ҳатто бир тола ҳам шуъла кўринмайди. Айтишларича, бу ерга серасвол мухбирлардан безор бўлган машҳур шахслар кўпроқ келишар экан. Хизмат қилувчи официантларга эса столга ва бир-бирларига тўқнашиб кетмасликлари учун худди десантчиларники каби тунги кўриш мосламаси берилган.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

## ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ҲАМ МУМКИН

Мен савдо фаолиятини амалга ошириш учун яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчиман. Рўйхатдан ўтиш учун ҳокимлик ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига бевосита ўзим боришим шартми ёки бошқа шаклда рўйхатдан ўтишим мумкинми?

Р.Пўлатов,  
Чимбой тумани.

— Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил

24 майдаги Қарори билан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 ноябрдаги Қарори билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга нафақат почта алоқаси орқали ёки шахсан ўзи келиб, балки интернет орқали ҳам ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Саволга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими  
Ерназар ДОСАНОВ жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва oilаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом яшаш учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ  
Мусахҳишлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темуру кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма  
Г — 736. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади  
— 4773. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08